

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МУСТАФАЕВ АХРОР ЛУКМАНОВИЧ

**ҚОРИН БЎШЛИҒИ ЁПИҚ ЖАРОХАТЛАРИДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ
ШИКАСТЛАНИШИНИ ДИАГНОСТИКАДА ВА ДАВОЛАШДА
ЭНДОВИЗУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**14.00.27 – Хирургия
14.00.40 – Шошилиш тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд –2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мустафаев Ахрор Лукманович

Қорин бўшлиғи ёпиқ жароҳатларида ошқозон ости беги шикастланишини
диагностикада ва даволашда эндовизуал технологиялар 3

Мустафаев Ахрор Лукманович

Эндовизуальные технологии в диагностике и лечении повреждений
поджелудочной железы при закрытых травмах живота 25

Mustafaev Akhror Lukmanovich

Endovisual technology and diagnosis and treatment of traumatic subcranial symptoms
in closed trauma..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 54

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МУСТАФАЕВ АХРОР ЛУКМАНОВИЧ

**ҚОРИН БЎШЛИҒИ ЁПИҚ ЖАРОХАТЛАРИДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ
ШИКАСТЛАНИШИНИ ДИАГНОСТИКАДА ВА ДАВОЛАШДА
ЭНДОВИЗУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**14.00.27 – Хирургия
14.00.40 – Шошилиш тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд –2025

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/Tib5277 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Даминов Феруз Асадуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Атаджанов Шухрат Комилович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Валиев Эркин Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Давлатов Салим Сулаймонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Беларус давлат тиббиёт университети (Беларус Республикаси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли бир марталик Илмий Кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмирина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа
номзоди (PhD), доцент

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жароҳатлар, бу аҳоли саломатлигига, иқтисодиётга ва соғлиқни сақлаш тизимига сезиларли тасир кўрсатаётган долзарб тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Технологияларнинг ривожланишига қарамай, жароҳатлар даражаси бир қатор соҳаларда ва ёш гуруҳларида юқори бўлиб қолмоқда. Замонавий жароҳатларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб қайтарилмас, кўп сонли ва мураккаб комбинацияланган жароҳатлар сонининг кўпайиши, шунингдек ногиронликнинг юқори даражаси ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ошқозон ости безининг травматик шикастланиши қорин бўшлиғидаги барча жароҳатларнинг 2-5 % да учрайди¹. Қориндаги бирлашган жароҳатларда ошқозон ости безининг шикастланиши -4,2 - 10% ҳолларда учрайди². Бундай шикастланишнинг асосий сабаблари қорин бўшлиғининг тўмтоқ шикастланиши (йўл-транспорт ҳодисалари, баландликдан йиқилиш, спорт ёки иш билан боғлиқ жароҳатлар натижасида), шунингдек санчилган жароҳатлар (пичоқ ёки ўқ отувчи қуролдан жароҳат олиш). Клиник қийинчилик, биринчи навбатда, ошқозон ости безининг анатомик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ: унинг қориннинг орти соҳасида жойлашиши, асосий томирларга ва бошқа муҳим органларга яқинлиги. Ошқозон ости безининг биргаликдаги жароҳатланиши қорин бўшлиғидаги жароҳатланишнинг энг мураккаб ва прогностик жиҳатдан ноқулай шаклларида биридир. Клиник кузатувларга кўра, ошқозон ости бези жароҳатланишининг 70-90 % да қорин бўшлиғининг бошқа аъзолари ва қорин орти соҳасининг жароҳатланиши кузатилади - масалан, жигар, талоқ, ингичка ва йўғон ичак, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак ва қон томир тузилмалари. Бу касалликнинг кечишини сезиларли даражада оғирлаштиради, ташхисни мураккаблаштиради ва салбий натижа хавфини оширади. Изоляция қилинган ошқозон ости бези жароҳатларида ўлим даражаси юқори-17,5 дан 32,3% гача, қўшма жароҳатларда еса 40-57% га етади³.

Бутун дунёда қорин бўшлиғининг ёпиқ жароҳатларида ошқозон ости безининг жароҳатланишини ташхислаш ва даволашни яхшилашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ошқозон ости бези жароҳатларини ерта аниқлаш алгоритмларини ишлаб чиқишга, жарроҳлик аралашуви кўрсаткичини оптималлаштиришга, жарроҳлик ёрдам ҳажмини танлашга ва жарроҳликдан кейинги асоратларнинг олдини олишга алоҳида еътибор қаратилмоқда. Замонавий тасвирлаш (УТТ, МСКТ, МРТ) ва лаборатория усуллари мавжудлигига қарамай, баъзи ҳолларда ташхис кечиктирилади ва даволаш усуллари танлаш мунозарали бўлиб қолади. Бундай беморларни бошқаришдаги ягона протоколларининг йўқлиги,

¹ <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/injuries-and-violence>

² Сингаевский А.Б.и др. Возможности применения современных методов диагностики и лечения при травмах живота с повреждением поджелудочной железы // Вестн. Нац. мед.-хир. центра им. Н.И. Пирогова. – 2017. – Т. 12, №1. – С. 37-39.

³ Khalayleh H., Imam A., Cohen-Arazi O. et al. An analysis of 77 cases of pancreatic injuries at a level one trauma center: Outcomes of conservative and surgical treatments // Ann. Hepatobiliary Pancreat Surg. – 2022. – Vol. 26, №2. – P. 190-198. doi: 10.14701/ahbps.21-144

шунингдек даволаш натижаларининг диагностика ва терапевтик ёндашувларни такомиллаштиришга қаратилганлиги, клиник кўринишларнинг юқори ўзгарувчанлиги ушбу тадқиқот учун асос бўлди.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»⁴ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ошқозон ости беши жароҳатини қорин ёпиқ шикастланишларида ўз вақтида консерватив ёки жарроҳлик даволаш, диагностикаси ва тактикасини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ 6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПФ-3494-сон «Тез тиббий ёрдам тизимини тезкор такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПФ-283-сон «Аҳолига шопилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертасия иши бир қатор мутахассисларнинг (Ермолов А. С. ва бошқ., 2016; Хубутия М.Ш. ва бошқ. 2017 йил, Агаханова К. Т. ва бошқ. , 2018; Kuza С.М., 2021) қорин ёпиқ жароҳатларида ошқозон ости беши жароҳатларини ташхислаш ва даволашни чуқур таҳлил қилган илмий изланишлари натижаларига асосланган. Бунга қўшимча тарзда, бугунги кунга қадар ошқозон ости беши жароҳатларини аниқлашда клиник лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларининг инфорацион қиймати ва

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

уларни турли клиник ҳолатларда қўллашнинг энг оқилона кетма-кетлиги аниқланмаган.

Америка травма жарроҳлари ассоциацияси (ASST) таснифи бўйича I–V даражали шикастланишларни жарроҳлик даволаш билан боғлиқ стандартлаштирилган алгоритмлар мавжуд эмас, эндовидеожарроҳлик ва анъанавий жарроҳлик даволаш усуллари қўллаш кўрсаткичлари ва тартиби, жарроҳлик аралашув ҳажми, жабрланганларни шифохонага ётқизиш вақти ҳам аниқ белгиланмаган.

ПТП ва унга ҳамроҳ бўладиган асоратларнинг ривожланишига йўл қўймаслик, уларга илгари тан олинган даволашнинг тегишли усуллари танлаш, шунингдек, ОБ жароҳатланганларни кейинги реабилитация қилишга қаратилган жарроҳликдан кейинги даврни бошқаришнинг баъзи масалалари ҳам яратилиши керак.

Ҳозирги кунга қадар ошқозон ости беши жароҳатларининг шикастланишдан кейинги кисталари ва ошқозон ости беши оқмалари каби ўзига хос асоратларини жарроҳлик йўли билан тузатишнинг мақбул вақти ва усуллари аниқланмаган. Кўриб чиқилган барча жиҳатлар кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжудлиги ва вазифанинг долзарблиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Ўзбекистонда шошилиш жарроҳлик касалликлари, хусусан, ООБШ бўйича самарали ташхис қўйиш ва даволаш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган (Хаджибаев Ф.Ш., Алижанов А.А., Атажанов Ш.К., 2022), аммо қорин бўшлиғининг ёпиқ травмасида учрайдиган ООБШни эрта ташхислаш ва даволашда эндовизуал технологиялар тамойиллари ишлаб чиқилмаган. ООБШларини даволаш мултидисциплинар ёндашувни талаб қилади ва агар керак бўлса, эндовизуал технологияларни ўз ичига олган турли хил жарроҳлик усуллари қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати №012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади эндовизуал технологиялардан фойдаланган ҳолда даволаш-ташхисот услубини такомиллаштириш орқали ошқозон ости беши жароҳати бўлган беморларда жарроҳлик йўли билан комплекс даволашнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сўнгги йиллардаги касаллик тарихларининг ретроспектив таҳлиliga асосланган ҳолда тинчлик даврида қорин бўшлиғи шикастланишларида ошқозон ости беши жароҳатини тузилишини аниқлаш;

ошқозон ости бешининг шикастланишларини клиник кўринишининг хусусиятларини ва инвазив бўлмаган тадқиқот усуллари (ултратовуш,

МСКТ) ва миниинвазив (видеолапароскопия) тадқиқот усулларининг қийматини аниқлаш;

ошқозон ости безининг зарарланиш даражасига қараб (AAST I, II, III, IV, V) жарроҳлик усулида даволаш тактикасини аниқлаш;

ошқозон ости безининг ёпиқ жароҳатларида беморларни ташхислаш ва даволашда эндовидеохирургик техникасининг (видеолапароскопия) роли ва ўрнини аниқлаш ва унинг шикастланиш оғирлигига қараб (AAST I, II, III, IV, V) жарроҳлик йули билан ёрдам кўрсатиш учун диагностика ва даволаш алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Самарканд, Бухоро, Наманган, Навоий, Хоразм ва Сурхандарё филиалларининг шошилинч жарроҳлик бўлимларида 2011-2021 йиллар давомида ошқозон ости беги ёпиқ жароҳати билан даволанган 125 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида касаллик тарихлари, физикал текширувлар, қоннинг лаборатор таҳлиллари, жумладан, қон умумий таҳлили, биокимёвий таҳлил; амилаза ва диастаза, сийдик умумий таҳлили кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу мақсадга муваффақиятли еришиш учун клиник ва биокимёвий қон ва сийдик таҳлиллари, рентгенография, ултратовуш тешируви, компьютер томографияси, эндовидеохирургик технологиялар ва статистик таҳлил усуллари қулланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тинчлик даврида қориннинг ёпиқ жароҳатларида учрайдиган ошқозон ости беги шикастланишларини эрта ташхислашда эндовизуал технологиялар, яъни ноинвазив (ультратовуш, МСКТ) ва кам инвазив (видеолапароскопия) усулларини жароҳатнинг оғирлик даражасини ўзгариши ҳисобига комплекс қўлланилиши исботланган;

ошқозон ости беги ҳамда ёндош аъзолар шикастланишининг оғирлик даражаларига кўра анъанавий очик лапаротомия усули билан жарроҳлик аралашуви ва эндовидеохирургик усуллари ўртасидаги танловни ўтказишда беморлар учун индивидуал ёндашув мезонлари асосланган;

қориннинг ёпиқ жароҳатларида AAST таснифига кўра ошқозон ости безининг I-II даражасидаги алоҳида шикастланишлари учраганда қорин бўшлиғи ва чарви халтасини эндовидеохирургик услубда мажбурий дренажлаш ҳисобига жарроҳлик аралашувини самарали яқунлаш усули такомиллаштирилган;

илк бор ошқозон ости безининг оғир шикастланишларида жароҳат четларини тикишдан ва тампонада қилишдан воз кечилган ҳолда хирургик қайта ишлов беришнинг авайловчи, атравматик синтетик ип билан аъзо атрофидаги томирларини тикиш ҳисобига гемостазни амалга ошириш тамойили исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ошқозон ости беги ёпиқ шикастланишларида жарроҳлик режаси ишлаб чиқилган алгоритми анъанавий жарроҳлик аралашувлар ва жарроҳлик аралашувларни эндовидеожарроҳлик технологиялар ёрдамида амалга ошириш

курсаткичларини аниқлаш имконини берган;

ошқозон ости беши шикастланишларининг даволаш натижаларини яхшилаш учун видеолапароскопиядан фойдаланиш курсатиб берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, юқори технологияли шошилиш жарроҳлик ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатишни янада такомиллаштириш ҳамда ошқозон ости беши шикастланган қорин бўшлиғининг ёпиқ травмаси билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ошқозон ости беши ёпиқ шикастланиши билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш жараёни ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш алгоритми билан оптималлаштирилган бўлиб, жабрланганларни ташхислаш ва жарроҳлик даволаш учун эндовидеожарроҳлик усулларини кенг қўллаш билан изоҳланади, бу эса операциядан кейинги асоратлар ва ўлимлар, касалликларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қорин бўшлиғи ёпиқ жароҳатларида ошқозон ости беши шикастланишини диагностикада ва даволашда эндовизуал технологиялар бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 07.05.2025 й. 17/40-сон хулосаси):

биринчи илмий янгилик: илк бор тинчлик даврида қориннинг ёпиқ жароҳатларида учрайдиган ошқозон ости беши шикастланишларини эрта ташхислашда эндовизуал технологиялар, яъни ноинвазив (ултратовуш, МСКТ) ва кам инвазив (видеолапароскопия) усулларини жароҳатнинг оғирлик даражасини ўзгариши ҳисобига комплекс қўлланилиши исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (22.03.2022 й. 8 н-р/519-сон буйруғи), Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали (18.03.2022 й. 8 н-р/519-сон буйруғи) ва Тошкент шаҳар 7 ШКШ (18.03.2022 й. 8 н-р/519-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: МСКТ биринчи навбатда ташхисни аниқлаш мақсадида ишлатилган. Бунда эса кузатилган асоратларни (посттравматик панкреатит ва посттравматик панкреонекроз) ҳамда ўлим хавфини камайтириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга эришилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ошқозон ости беши ёпиқ шикастланишида МСКТ 16

нафар беморларда ошқозон ости безининг зарарланиши аниқланди, бу эса қўшимча текширишларни (динамикада УТТ, рентген текширувларни) камайтиришга ёрдам берди ва сарфланадиган ўрта хисобда 826 000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: ООБЁТ қорин бўшлиғининг ёпик травмаси билан жабрланганлар сонининг 8,5% ни ташкил қилади. ААСТ таснифига кўра, II ва III даражали зарарланган беморлар устунлик қилди. Ошқозон ости безининг алоҳида шикастланиши фақат 18 нафар (14,4%) беморларда кузатилган, 107 нафар (85,6%) беморларда шикастланиш бошқа органлар ва тизимларнинг шикастланиши билан бирлаштирилган.

иккинчи илмий янгилик: ошқозон ости бези ҳамда ёндош аъзолар шикастланишининг оғирлик даражаларига кўра анъанавий очик лапоратомия усули билан жарроҳлик аралашуви ва эндовидеохирургик усуллари ўртасидаги танловни ўтказишда беморлар учун индивидуал ёндашув мезонлари асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (22.03.2022 й. 8 п-г/519-сон буйруғи), Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали (18.03.2022 й. 8 п-г/519-сон буйруғи) ва Тошкент шаҳар 7 ШКШ (18.03.2022 й. 8 п-г/519-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Консерватив дори терапияси усули ишлаб чиқилган, унинг мақсади ошқозон ости безининг ташқи секрециясини пасайтириш, шу билан иммунокомпетент хужайралар томонидан яллиғланиш воситаларининг ортиқча чиқарилишини камайтириш ва яллиғланиш воситаларини, интерлейкинлар ва ферментлар каби биологик фаол моддаларнинг самарадорлигини қон оқимида камайтириш. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ошқозон ости безининг ёпик шикастланишида синтетик самостатинларни “Октреотид” дори воситасини ишлатилганда асоратларни (посттравматик панкреатитни 62,7% то 35,2% гача, посттравматик панкреонекрозини 11,9% то 3,9% гача) ва улимларни камайтириб, ҳаёт сифатини оширишга ёрдам берган. Хулоса: ошқозон ости безининг травматик шикастланишини кўрсатадиган патогномоник клиник белгилар мавжуд эмас. Ёпик жароҳатлар билан умумий симптомлар устунлик қилади. Ошқозон ости бези шикастланишининг операциядан олдинги ташхисида ултратовушнинг сезгирлиги 65,8%, ўзига хослик - 74,2%, аниқлик - 75,4%, МСКТ сезгирлиги - 97%, ўзига хослик - 94%, аниқлик - 95,2%.

учинчи илмий янгилик: қориннинг ёпик жароҳатларида ААСТ таснифига кўра ошқозон ости безининг I-II даражасидаги алоҳида шикастланишлари учраганда қорин бўшлиғи ва чарви халтасини эндовидеохирургик услубда мажбурий дренажлаш ҳисобига жарроҳлик аралашувини самарали яқунлаш усули такомиллаштирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (22.03.2022 й. 8 п-г/519-сон буйруғи), Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали (18.03.2022 й. 8 п-г/519-сон буйруғи) ва Тошкент шаҳар 7 ШКШ (18.03.2022 й. 8 п-г/519-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: диагностик лапароскопия пайтида кичик чарви халтаси

очилганда ошқозон ости безининг шикастланиш даражаси AAST таснифи буйича I - II даражаси аниқланганда ва корин бушлиги бошқа аъзоларида жароҳат топилмаганда, даволовчи лапароскопияга утиш тавсия этилади ва қорин бўшлиғини ҳамда, чарви халтасини лапароскопик усулида дренажлаш билан жарроҳлик амалиётини тугатиш тавсия этилади. Бу эса хасталикларнинг асоратларини олдини олишга асос бўлганлиги билан изоҳланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат: диагностика ёки даволовчи лапароскопияни амалиётга жорий этиш, кераксиз лапаротомияларни қискартириш ва булимларда ётоқ кунларни (10 ётоқ кунлардан то 5 ётоқ кунгача) камайтириш имконини берди, бу эса сарфланадиган ўрта ҳисобда 1 125 000 сўмни тежаш имконини беради. Хулоса: жарроҳлик тактикасини танлашда дифференциал ёндашув безининг шикастланиш даражаси ва жабрланувчининг ҳолатига асосланади. I - II даражали ошқозон ости беши шикастланганда қорин бўшлиғи ва чарви халтасини лапароскопик дренажлаш билан чекланиш мумкин. III даражали шикастланишда қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш билан қон кетаётган томирни тикиш билан аниқ гемостазни қўллаш тавсия этилади. Ошқозон ости беши шикастланишининг IV даражасида дистал резекция, V даражали бўлса - панкреатодуоденал резекция қилиниши мумкин. Тампонлаш учун кўрсатмалар камдан-кам ҳолларда, фақат "Damage-control" даволаш тактикаси доирасида.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор ошқозон ости безининг оғир шикастланишларида жароҳат четларини тикишдан ва тампонада қилишдан воз кечилган ҳолда хирургик қайта ишлов беришнинг авайловчи, атравматик синтетик ип билан аъзо атрофидаги томирларини тикиш ҳисобига гемостазни амалга ошириш тамойили исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (22.03.2022 й. 8 н-р/519-сон буйруғи), Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали (18.03.2022 й. 8 н-р/519-сон буйруғи) ва Тошкент шаҳар 7 ШКШ (18.03.2022 й. 8 н-р/519-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ошқозон ости беши ёпик жароҳати билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш, асоратлар сонини 86,6 дан 43,1 % гача, ўлимни эса 19,7 дан 5,6 % гача камайтириш имконини берди ва беморларда ҳаёт сифатини оширишга ёрдам бериши жарроҳлик ва тез тиббий ёрдам курсатиш ва клиник ординаторларининг ўқув курсларига киритилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ошқозон ости беши ёпик шикастланишларида эндовидеожарроҳлик усуллар билан жарроҳлик амалиётини ва эрта консерватив терапия бошлаш билан даволанган беморлар ва анъанавий жарроҳлик аралашувлар билан даволанган беморларни солиштирганда уларнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача $17,4 \pm 2,9$ дан $14,3 \pm 2,0$ кунга қисқартирилиши натижасида, бир нафар бемор учун маблағларидан кунига 230500 сўмни ва ўрин кунларини 3 кунга қисқариши орқали 691500 сўмга ҳамда татбиқ қўламига нисбатан эса ($n=54$) 37341000 сўмни

иктисод қилиш имконини беради. Хулоса: такомиллаштирилган диагностика ва даволаш алгоритми асоратларни 86,6 дан 43,1% гача ва ўлим сонини 19,7 дан 5,6% гача камайтиришга имкон беради, шошилиш тиббий ёрдам талабларига жавоб беради ва жабрланганларга шошилиш ёрдам кўрсатадиган тиббиёт муассасаларининг амалий фаолиятида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотда эришилган натижалар 2та халқаро ва 5та маҳаллий илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ошқозон ости беши шикастланишлари: диагностика ва даволашнинг замонавий жиҳатлари (адабиётларни кўриб чиқиш)”** номли биринчи бобда қорин ёпиқ травмасида ошқозон ости беши шикастланишининг учраш сони ва патогенезини, шунингдек, қорин бўшлиғининг ёпиқ травмасида ошқозон ости беши шикастланиши билан жабрланганларни консерватив терапия ва жарроҳлик даволашнинг ўрни ва ролини ўрганишга бағишланган муаммони тушунтиришни талаб қиладиган адабиёт манбаларининг таҳлили келтирилади.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг материали ва усуллари”** номли иккинчи бобда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ҳузуридаги марказий ҳарбий госпитал ва РШТЁИМ ва унинг туну кун ишлайдиган вилоят филиаллари жарроҳлик бўлимларида 2011-2021 йилларда ошқозон ости бешининг турли хил травматик жароҳатлари билан шифохонага ётқизилган ва таҳлилга асосланган 125 нафар беморларни даволаш натижалари келтирилган, бу қорин бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳати билан касалланган 1470 нафар жабрланувчининг 8,5 фоизини ташкил этди (1 расмга қаранг).



Расм. 1. Тадқиқотга киритилган жароҳатланганлар сони, абс. (%).

РШТЁИМ ва унинг филиалларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам натижаларини ўрганиш учун қорин бўшлиғи ёпиқ жароҳатларида ошқозон ости беши шикастланган беморларнинг 2 гуруҳи тузилди (2-расмга қаранг).



Расм. 2. Тадқиқотнинг лойиҳаси.

Назорат гуруҳига (1-чи) анъанавий жарроҳлик аралашувлар қўлланилган қорин бўшлиғи ёпиқ жароҳатларида ошқозон ости бези шикастланган 71 нафар жароҳатланганлар ўз ичига олган.

Асосий гуруҳга (2-чи) 54 нафар жароҳатланганлар киритилди. Уларда ошқозон ости бези шикастланишини ташхислаш ва даволашда эндовидеожарроҳлик технологияларидан фойдаланилган.



Расм. 3 Назорат гуруҳида жароҳатланганларни ООБЁШ этиологик омилларига қараб тақсимлаш, абс. (%).



Расм. 4 Асосий гуруҳда жароҳатланганларни ООБЁШ этиологик омилларига қараб тақсимланиши, абс. (%).

Беморлар орасида 111 нафар (88,8%) эркаклар ва 14 нафар (11,2%) аёллар учраган. Икки гуруҳдаги жароҳатланганларни шифохонага ётқизиш давомийлиги бир хил эди. Уларнинг катта қисми жароҳатдан кейинги дастлабки 6 соат ичида шифохонага ётқизилган: 1-гуруҳда 42 нафар (59,1%), 2-гуруҳда - 36 нафар (66,7%). Шу билан бирга, мос равишда 29 нафар (40,8%) ва 21 нафар (38,9%) беморлар “олтин соат” ичида етказилди.

ООБЁШнинг этиологик омиллари қуйидагилар эди: йўл-транспорт ҳодисаларидан жароҳатланганлар – 64 нафар (51,2%); баландликдан йиқилиш натижасида жароҳатланганлар 49 нафар (39,2%); қоринга тўғридан-тўғри зарба олганлар - 9 нафар (7,2%), массив жисмлар орасидаги сиқилишдан жароҳатланганлар - 3 нафар (2,4%). (3-расм ва 4-расмларга қаранг).

Йиғилган маълумотларни қайта ишлашда биз ошқозон ости беши шикастланиши оғирлигининг ААСТ таснифидан фойдаландик (Moore E.E. et al., 1990) (1-жадвалга қаранг).

Ошқозон ости беши шикастланишидан жароҳатланганлар учун уни бошқа органларнинг шикастланиши билан бирлаштириш одатий ҳол эди. Иккала гуруҳдаги беморлар орасида талоқ, жигар ва йўғон ичакнинг биргаликда шикастланиши бўлган беморлар бор эди. Умуман олганда, бошқа органлар ва тизимларнинг шикастланиш сонларига қараб 1- ва 2- гуруҳлардаги беморларни тақсимлашда сезиларли фарқлар топилмади, бу эса шу асосда таққосланадиган гуруҳларни кўриб чиқишга имкон беради.





ООБ шикастланишига келсак, жабрланувчиларнинг 41 нафарида (32,8%) боши, 4 нафарида (3,2%) ошқозон ости беши бўйни, 24 нафарида (19,2%) ошқозон ости беши танаси, 56 нафарида (44,8%) ошқозон ости беши думи шикастланган, яъни безнинг боши ва думи кўпинча шикастланган. Ошқозон ости беши шикастланишининг клиник кўриниши 34 нафар (27,2%) беморларда травматик шок белгилари, 50 нафар (40%) беморларда ички қон кетиш, 41 нафар (32,8%) беморларда перитонит билан тавсифланган.

Ташхисни қўйиш босқичида шокдан чиқариш хонасида барча беморларда қоннинг умумий таҳлили, умумий сийдик таҳлили, баъзи беморларда қон биокимёвий таҳлилида амилаза ва сийдик таҳлилида диастазасининг миқдорини аниқланди. Қорин бўшлиғи ёпиқ жароҳати бўлган барча беморларда қорин бўшлиғининг рентгенографияси ёки рентгеноскопияси ўтказилди, пневмоперитонеумни аниқлаш учун лозим бўлса, ошқозон-ичак трактининг рентген-контрастли текшируви ўтказилди.

Операциядан кейинги яқин ва кечки даврда ривожланаётган ва шаклланган ошқозон ости беши оқмалари бўлган 19 нафар беморларда фистулография ўтказилди. Операциядан кейинги яқин ёки кеч даврда диагностика ёки даволаш мақсадларда 31 нафар беморларда “Olimpus” қурилмаси билан ЭФГДС ўтказилди.

1- жадвал

AAST (Moore E.E. et al., 1990), абс. (%) оғирлиги даражасига қараб ООБ шикастланганларни тақсимланиши

Шикастланишнинг оғирлиги	Шикастланишнинг табиати	Шикастланиш тавсифи	1- гуруҳ	2- гуруҳ	Жами
	Гематома	Ошқозон ости бези йулининг жароҳатланмаган жароҳат ёки ошқозон ости бези тўқималарининг оғир контузияси	4 (5,6)	9 (16,7)	13 (10,4)
	Ёрилиш	Ошқозон ости бези йулининг жароҳатланмаган жароҳат ёки тўқималарни йўқотмасдан қаттиқ ёрилиши			
	Гематома	Ошқозон ости безининг 1 дан ортиқ қисмини ёрилиши	30 (42,3)	13 (24)	43 (34,4)
	Ёрилиш	Ошқозон ости бези айланишнинг <50% кам булган ёрилиши			
	Ёрилиш	Дистал ёрилиш ёки ошқозон ости бези йулининг жароҳатланиши	28 (39,4)	21 (38,9)	49 (39,2)
	Ёрилиш	Проксимал (юқори тутқич венасининг ўнг томонида) ёрилиши ёки паренхиманинг шикастланиши	9 (12,7)	11 (20,4)	20 (16)
	Ёрилиш	Ошқозон ости бези бошининг массив эзилиши ва ёрилиши	-	-	-
Жами			71 (56,8)	54 (43,2)	125 (100)

Эслатма. *Кўп сонли ошқозон ости бези шикастланишларида оғирлик бир даражага ошади.

Қорин бўшлиғи аъзолари ва қорин орти соҳаси ултратовуш текшируви 125 нафар (100%) ошқозон ости беzi ёпиқ шикастланган беморларда ўтказилди. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасида эркин суюқликни аниқлаш, ошқозон ости беzi ва унинг атрофидаги органларнинг ҳажмини, эхоструктурасини ва эхозичлигини, ўт йўллариининг ҳолатини баҳолашга алоҳида эътибор берилди (5 ва 6-расм). 125 нафар беморларда жами 269 та ултратовуш текшируви ўтказилди.



Расм 5. Ошқозон ости беzi танасининг дистал қисмининг ёрилиши эхограммаси



Расм 6. Ошқозон ости беzi эхоструктурасининг гипоехоген тасвири-ошқозон ости беzi клетчаткасининг облитерацияси

Мультиспирал компьютер томографияси биринчи навбатда ташхисни аниқлаш мақсадида ишлатилган. Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзоларининг шикастланиш хусусиятини аниқлаш учун МСКТ фақат шошилинич вазиятларда, оғир комбинацияланган ва кўп ёпиқ травма бўлган 16 нафар беморларда амалга оширилди. (7-расм ва 8-расмларга қаранг).

ВЛСК текширув, шошилинич ултратовуш текшируви ёки МСКТ маълумотлари, қорин бўшлиғи аъзоларининг шикастланишини тўлиқ истисно қилмаган ҳолларда қорин бўшлиғи аъзоларининг шикастланиши ташхисини аниқлаштириш учун шошилинич сабабларга кўра 54 нафар жабрланувчида ишлатилган. 22 нафар беморларда ошқозон ости безини текшириш имкони бўлди. 32 нафар беморларда ошқозон ости безини шикастланишининг билвосита белгилари (ретроперитонеал гематома ва ичак тутқичи гематомаси - 6 нафарда, чарви халтасида қон мавжудлиги - 4 нафарда, стеатонекроз - 4 нафарда, талок ёрилиши - 1 нафарда, қон кетишининг манбасини аниқлаш мумкин бўлмаган гемоперитонеум - 17 нафарда) кузатилди. Юқоридаги барча топилмалар лапаротомия ва қорин бўшлиғи органларини қайта кўриб чиқиш учун асос бўлиб чиқди.




Расм. 7. МСКТ – бўйинча соҳасидаги 3-даражали ошқозон ости бези ёрилиши тасвири қориннинг ёпиқ шикастланиши



Расм. 8. МСКТ - тана ҳудудида ААСТ бўйича IV -даражали ошқозон ости бези ёрилиши тасвири қориннинг ёпиқ шикастланиши

Олинган маълумотларга асосланиб, ошқозон ости безининг ёпиқ шикастланиши учун диагностика тадбирлари схемаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди (9-расм). Ушбу алгоритм учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинди (DGU 13462).



9-расм. Ёпиқ ООБ шикастланиш учун диагностика тадбирлари схемаси (DGU 13462)

Ошқозон ости беши шикастланган 125 нафар беморларнинг 118 нафари (94,4%) операция қилинган, шундан 7 нафарида 1-гуруҳда, 4 нафарида 2-гуруҳда реллапаротомия қилинган. 7 нафар (5,6%) беморлар операция қилинмаган.

Диссертациянинг **“Клиник тадқиқотлар натижалари, ошқозон ости беши шикастланиши билан бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш”** номли учинчи бобда ошқозон ости безининг травматик шикастланишида (ООБТШ) қорин бўшлиғи ёпиқ жароҳатларининг клиник кўриниши ҳам, қорин бўшлиғининг яққа ҳол қилинган травмасида ҳам, кушма шикастларда ҳам ўзига хос эмас ва асосан қон йўқотиш ҳажми ва шок даражаси, шунингдек травмадан кейинги панкреатитнинг оғирлиги билан белгиланади.

Кейинги диагностика ва даволаш тактикаси кўп жиҳатдан жабрланганларнинг қабул қилиш вақтидаги онги даражаси билан белгиланади. Шундай қилиб, 82 нафар (65,6%) беморлар, яъни кўпчилик эс- ҳуши жойидалигида келди, 20 нафар (16%) ҳушсиз, 12 нафар (9,6%) ступор ҳолатида эди. Мия шикастланиши билан оғриган 11 нафар (8,8%) беморларда кома кузатилди. ҚЎТда ОБТШ ва БТ билан жабрланганларни объектив текшириш пайтида симптомлар мажмуаси ҳам ўзига хос эмас.

Травматик ва геморрагик шок белгилари билан оғир аҳволда ётқизилган жабрланувчиларга алоҳида эътибор берилиши керак, бу шок-операцион хонасида зудлик билан диагностик ва даволаш чораларини кўришни талаб қилади. Жами 34 нафар (27,2%) беморлар травматик (30 нафар) ва геморрагик шок (4 нафар) ҳолатида ётқизилган. Икки гуруҳдаги шок даражаси бўйича жабрланганларнинг тақсимланиши ўхшаш эди.

Қабул қилиш вақтида БТ билан оғриган беморнинг аҳволи оғирлиги, асосан, бош мия жароҳатининг мавжудлигини аниқлайди. Мия шикастланишининг оғирлигини диагностика қилиш учун 67 нафар (53,6 %) жабрланувчида бош суягининг суяк тузилмалари синиши мавжудлиги ва табиатини аниқлаш учун бош суяги рентгенографияси қўлланилди. Усулнинг сезгирлиги 45% ни ташкил этди.

2-гуруҳ бош мия жароҳати билан оғриган 8 нафар беморларда бош мия шикастланишининг асосий диагностика усули сифатида спирал компьютер томографиясидан фойдаланилган. Шунини таъкидлаш керакки, бош мия жароҳати билан оғриган 3 нафар (37,5%) беморларда типик шикоятлар бўлмаган, спирал компьютер томографияси туфайли мия шикастланиши аниқланган.

67 нафар (53,6%) тос суяги синишига шубҳа қилинган беморларда тос суяқларининг рентгенографияси ўтказилди. 1-гуруҳдаги 58 нафар (81,7%) ва 2-гуруҳдаги 32 нафар (59,2%) беморларда БТ учун кўкрак қафасининг рентгенологик текшируви ўтказилди. Усулнинг сезгирлиги 55% ни ташкил этди. Шубҳали клиник кўринишга эга ҚЎТ ҳолатларида қорин бўшлиғи органларининг рентгенологик текшируви мос равишда 65 нафар (91,5%) ва 32 нафар (59,2%) беморларда ўтказилди. Ушбу усул 12 нафар (9,6%) субъектда қорин бўшлиғида эркин газни аниқлаш имконини берди, бу қорин бўшлиғининг ковак органининг ёрилиши белгиси эди.

2-гурухдаги 16 нафар (29,6%) беморларда қўлланилган кўп қисмли компьютер томографияси сўнгги пайтларда қорин бўшлиғи шикастланишларини ташхислашда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. МСКТ жабрланганларга барқарор ҳолатда, қоида тарихида, ултратовуш текшируви пайтида қорин бўшлиғи органларида аниқланган ўзгаришлар бўлмаганда ўтказилди. Текширувдан ўтган 10 нафар беморларда ошқозон ости бешида ўзгаришлар аниқланган. Номаълум давомийликдаги ҚЎТ билан оғриган бир беморда ошқозон ости беши паренхимасида йирингли-некротик ўзгаришлар бўлган. 5 нафар жабрланувчида МСКТ безга қўшни органлар ва тузилмаларнинг (талок, жигар, ингичка ичак тутқичи, диафрагма) зарарланишининг билвосита белгиларини аниқлади. Ушбу тадқиқот 1-гурухдаги беморларда ўтказилмаган. Умуман олганда, олинган маълумотларга асосланиб МСКТ сезгирлиги 97%, ўзига хослик - 94%, аниқлик - 95,2% ни ташкил этди.

Охириги ўн йилликда шошилиш жарроҳликда диагностик лапароскопия кенг қўлланилмоқди. Усул ташхис қўйиш ва зарарнинг хусусиятини аниқлаш учун вақтни қисқартиришга имкон беради. 1-гурухдаги беморларда диагностик лапароскопия ўтказилмаган, 2-гурухда эса 54 (100%) ҳолатда ўтказилган.

Жабрланганларнинг мутлоқ кўпчилигига - 114 нафар (91,2%) амилаза даражасини аниқлаш учун биокимёвий қон тести ўтказилди. ҚЎТда ОБТШ бўлган беморларда ўртача амилаза даражаси $187,4 \pm 42,6$ ш/б ни ташкил этди. Бундан ташқари, ушбу кўрсаткич аниқланган 86 нафар (68,8%) жабрланувчида амилаза миқдори меъёрда эди. Турли даражадаги ошқозон ости беши шикастланишлари учун бирламчи жарроҳлик аралашувларнинг кўлами ва турлари 2- жадвалда кўрсатилган.

Операциянинг тугатилишига алоҳида эътибор берилиши керак. 1-гурухнинг 32 нафар (45%) ва 2-гурухнинг 27 нафариди (50%) қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш қўлланилган, уларда бу жарроҳлик аралашув ҳажми жарроҳлик даволашнинг ягона босқичи бўлган. 2-гурух жабрланувчиларида дренажлаш 1-гурухга қараганда сезиларли даражада кўп ҳолларда қўлланилган ($p < 0,001$). Қорин парда орти соҳаси тўқималарини дренажлаш парапанкреатит ҳолатларида, шунингдек, катта қорин парда орти соҳаси гематомаларни санациясидан сўнг амалга оширилди ва мос равишда 6 нафар (8,4%) ва 4 нафар (7,4%) беморларда содир бўлди.

Жарроҳлик даволашнинг анъанавий усуллари қўлланилган 1-гурухдаги беморларда жарроҳлик амалиёти кўпинча оментобурсостома, шикастланган жойни тампонлаш ва холецистотомия билан яқунланади, кейинчалик такомиллаштирилган даволаш алгоритми жорий этилганлиги сабабли ундан воз кечишга қарор қилинди.

AAST бўйича шикастланиш даражасига қараб ҚЎТда ошқозон ости беzi шикастланишлари учун жарроҳлик аралашувларнинг тури ва ҳажми

Жарроҳлик амалиётнинг ҳажми	Гуруҳ	Ошқозон ости беzi шикастланишининг оғирлиги (AAST)				Жами	
		I	II	III	IV	абс.	%
Жарроҳлик амалиётнинг асосий босқичи							
Ошқозон ости безининг дистал резекцияси	1-чи	-	-	-	2	2	2,8
	2	-	-	-	2	2	3,7
Ошқозон ости безининг қон кетадиган томирини тикиш	1-чи	-	5	4	-	9	12,7
	2	-	2	1	-	3	5,6
Ошқозон ости безининг гематомасини очиш	1-чи	4	2	-	-	6	8,4
	2	2	1	-	-	3	5,6
Қорин бўшлиғини дренажлаш (операциянинг ягона босқичи сифатида)	1-чи	26	6	-	-	32	45
	2	20	5	2	-	27	50
Операцияни тугатиш турлари							
Қорин парда орти соҳаси тўқималарини дренажлаш	1-чи	2	1	2	1	6	8,4
	2	1	2	1	-	4	7,4
Оментобурсостомия	1-чи	2	1	-	2	5	7
	2	-	-	-	-	-	0*
Чарви халтасини тампонлаш	1-чи	14	3	5	3	25	35,2
	2	-	-	2	2	4	7,4**
Холецистостомия	1-чи	-	2	1	-	3	4,2
	2	-	1	-	-	1	1,8**


Эслатма. * – $p < 0,05$; ** – $p < 0,001$.

Шундай қилиб, 1-гуруҳдаги 5 нафар (7%) беморларда оментобурсостомия қўлланилган бўлса, 2-гуруҳда бир марта ҳам қўлланилмаган. Тампонлаш 1-гуруҳнинг 25 нафар (35,2%) беморларида, яъни 2-га қараганда сезиларли даражада тез-тез амалга оширилди, бу ерда “Damage-control” тактикаси доирасида ўта оғир аҳволда бўлган 4 нафар (7,4%) жабрланувчида қўлланилган. Панкреатитнинг олдини олиш ва даволашнинг консерватив усулларини такомиллаштириш туфайли яхшиланган даволаш тактикасининг бир қисми сифатида панкреатит хавфини камайтириш учун операцияни яқунлаш усули сифатида холецистостомиядан деярли бутунлай воз кечилди. 2-гуруҳда

холецистостомия 1-гурухга қараганда сезиларли даражада камроқ - мос равишда 3 нафар (4,2%) ва 1 нафар (1,8%) беморларда амалга оширилди.

Қорин бўшлиғи органларида энг кўп учрайдиган жарроҳлик аралашув спленектомия аутотрансплантация билан бўлган - кўп шикастланган 63 нафар (53,4%) беморларда, бу ОБТШ кўпинча талоқнинг шикастланиши билан бирга бўлганлиги билан боғлиқ эди. Камроқ ҳолларда жигарни тикиш ёки аргон плазма коагуляцияси – 35 нафар (29,6%) жароҳатланганларда, ингичка ичак яраларини тикиш - 9 нафар (7,6%), йўғон ичакнинг ёрилиши билан яраларини тикиш - 14 нафар (11,9%) да амалга оширилди, қорин парда орти соҳаси гематомасини очиш - 8 (6,8%). 4 (3,4%) беморда буйрак ёрилиши учун нефрэктомия (ҳар бир гуруҳда 2 та), яна 4 беморда (ҳар бир гуруҳда 2 та) буйрак ёрилиши тикилган.

